

4319437- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (иу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Карши ш.

2022 йил 08 январ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Фарзил Гасимов номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилк тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи УзТелеком (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги Абонент шартномасини тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера ташкилотлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларини кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракаминни беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катбий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириши (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солинклар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнida амалга оширадилар.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100** (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҶСни хисобга олган ҳолда) _____ (_____) сўм миқдоридаги Абонент тўловини хамда _____ (_____) миқдоридаги бир марталик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлаиди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар талабатини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмagan тўловларнинг олдини олишина истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўриннишида реклама акциялари доирасида Абонента тақдим этилган барча маблаглар фактат Оператор хизматлар учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдиган хисоб-фактура билан ёшлида. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўrсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үй)** иш куни мобайнida Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки хисобланади. Абонентнинг эътиrozларни асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир)** календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўллади (Томонларга нисбатан жавобгарлигининг чекланиши холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талабларни асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Қарши туманлараро иктисолиди судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар

кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданийити юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар кандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиг бўлмайдиган куччар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироф/шикоят/таклиф кўрининишдаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномода ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга тағбик этилмайди) ўз шартларини бажарини давом эттиrsa ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейнги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20__ йил _____ кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклнинг ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн)** календарь кун ичда бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиклangan бўлса, хақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| | |
|---|--|
| <p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Кашкадарё филиали Манзил: Кашкадарё вилояти Қарши шахар Бешкент йули 3 км</p> <p>Банк маълумотлари: х/р: 20 210 000 504 074 838 334; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 Call марказ, 75 221-5300; E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmerketing@uztelecom.uz;</p> <p>Оператор номидан: Директор _____ /имзо/ Ж.С.Бозоров м.ў.</p>  | <p>АБОНЕНТ: <i>Гашкадарё бил. граненот берганилан</i> Манзил: <i>Қарши ш. Ўзгор нуц. 12 ўчи</i></p> <p>Банк маълумотлари: х/р: <i>00004860401304690279001</i> СТИР: <i>306 187 837</i>; МФО: <i>00014</i>; Банк номи: <i>Марказий банк</i> Тел: <i>75-227 00-72</i>; E-mail: _____</p> <p>Абонент номидан: _____ /имзо/ <i>Ж.С.Бозоров</i> Ф.И.О м.ў.</p>  |
|---|--|

